O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 13 декабрь, № 241 (4651) Шанба


# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



**Шу йил 12 декабрь куни Навоий шаҳрида Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Навоий вилояти, Навоий шаҳри ҳақида, бу ерда жойлашган, ўзининг салоҳияти, нуфузи ва бетакрорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, керак бўлса, бутун дунёда ном таратган йирик саноат корхоналарининг — бу Навоий кон-металлургия ёки «Навоийцемент» комбинати бўладими, «Навоийазот» бирлашмаси ёки Навоий ГРЭСи бўладими — уларнинг фаолияти ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бугунги кунда мана шундай корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 54 давлатига экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам кўп нарсани англатади.

Шу билан бирга, вилоят далаларида пахта ва ғалла етиштираётган, Томди, Конимех ва Учқудуқ туманларида чорвачиликни ривожлантириш, айниқса, қимматбаҳо қоракўл терисини тайёрлаш билан донғи кетган, бир сўз билан айтганда, мана шу бепоён ҳудудда меҳнат қилаётган одамларнинг мамлакатимиз тараққиётига, унинг обрў-эътиборини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, қуйидаги масалаларга алоҳида урғу бериб ўтди.

**Аввало**, бугунги тез ўзгариб бораётган, катта диққат ва масъулиятни талаб қиладиган вазиятни танқидий баҳолаш ва ҳар қайси инсон, биринчи навбатда вазифада ўтирган, катта ишонч билдирилган раҳбарлардан доимо сезгир ва огоҳ бўлишни, замоннинг ўзи илгари сураётган масалаларни ечишга қодир бўлишни кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

**Иккинчидан**, биз Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигини нишонлаб, истиқлолимизнинг 18-йилига қадам қўйган бир пайтда ўзида юз йилларга тенг бўлган тарихни, беқиёс ўзгариш ва янгиланишларни мужассам этган мана шу давр ҳар биримизни янги-янги мақсад ва вазифалар сари даъват этмоқда.

Бугун барчамиз кўриб турибмиз — саноатда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида, қишлоқ хўжалигида қандай мураккаб жараёнлар кечяпти. Айниқса, тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози ва унинг оқибатларини ҳисобга олиш, бу иқтисодий тангликнинг салбий таъсирини бартараф этиш зарурати олдимизга ўта оғир, илгари биз кўрмаган муаммоларни қўймоқда. Мана шундай кескин бир шароитда иқтисодиёт соҳаларини замон талаблари асосида бошқариш учун ишга янгича ёндашув, янгича муносабат керак. Лўнда қилиб айтганда, бугун дунёда рўй бераётган жараёнлар, ҳар қайси ҳудуд ва минтақамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар барчамиздан янгича қараш ва тафаккурни, ташаббускорлик ва фидойиликни янада кучайтиришни талаб қилади.

**Учинчидан**, ҳар қайси одам, аввало, раҳбарлар ўз фаолиятига баҳо берганда, бугун қилаётган ишларимиз, барча ислоҳотларимиз ким учун, нима учун, уларнинг негизида нима турибди, деган саволни ўзига такрор ва такрор беришини истардим. Яъни, бугун барчамизга яхши таниш бўлган фикр — «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган қараш ҳар қайси етакчининг фаолиятида, у раҳбарлик қиладиган корхона ёки муассасада ўз тасдиғини топяптими, йўқми, деган савол доимо эътиборимиз марказида туриши керак.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Э. О. Турдимовни Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

**Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Навоий вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Б. М. Рузиевни Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

**Бахриддин Муртазаевич Рузиев** Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабрь

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланган

Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённома (Брюссель, 2008 йил 20 май) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабрь
№ ЎРҚ — 189

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қуйидаги баёнот билан қўшилинсин:

**Протоколнинг 3-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён этадики, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига фуқароларнинг чақируви Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ улар фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг йўл қўйилади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 12 декабрь
№ ЎРҚ — 190

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**



***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ҳамкорлигида “Қонун ижодкорлигида қонунчилик техникаси: тажриба ва муаммолар” мавзусида семинар ўтказилди.***

Семинарда мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислоҳотининг асосий мақсади қонун ижодкорлигининг сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди. Айни вақтда қонун ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ва парламент томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш тартиби ва қонун техникасига риоя қилиш катта аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар қонун яратиш техникаси, қонун лойиҳаларини тайёрлашга оид халқаро тажриба билан ҳам танишдилар.

Шунингдек, анжуманда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий базани тизимли ўрганиш соҳасидаги фаолияти таҳлил этилди.

## Назорат ва таҳлил:

# КАСАНАЧИЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Шу куни парламент қуйи палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг “Ўзэлтехсаноат” тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш жараёни ҳамда саноат кооперациясини ривожлантиришга оид қонунларнинг ижро этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Анжуманда мамлакатимизда кооперацияни ривожлантиришнинг зарур ҳуқуқий асослари яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 июлдаги касаначилик фаолиятига бағишланган қарори шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

**▼ Анжуман**

*Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, миллатимизга хос инсонпарварлик ва меҳр-мурувват фазилатларини қадрлашга устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда.*

## Ижтимоий телерадиороликлар эзгуликни тарғиб қилади

Кўп йиллик тарихга эга бўлган ушбу анъана ва қадриятларимиз бугун инсоният олдида турган глобал муаммолар — ОИТС, гиёҳвандлик ҳамда бошқа хавфли иллатларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Албатта, жамиятнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, мавжуд муаммо ва таҳдидларга нисбатан янада эътиборли бўлишга ўргатиш, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш изчилликни талаб этади. Бу жараёнда эса таъсирчан воситалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари кучидан самарали фойдаланиш кутилган натижани беради.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗ МОДЕЛИ НАҚАДАР ТЎҒРИ ЭКАНИ АМАЛДА НАМОЁН БЎЛДИ»

***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси кўплаб мамлакатлар етакчи оммавий ахборот воситалари, нуфузли ижтимоий-сиёсий арбоблари, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари томонидан кенг шарҳланмоқда.***

Хусусан, **Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги** ўзининг «Ўзбекистон молиявий инқирозга қарши туриш учун етарли захираларга эга» сарлавҳали мақоласида Президент Ислом Каримовнинг маърузасини шарҳлаб, ўқувчилар эътиборини давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларига қаратади: «Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва керакли ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз».

Агентлик Ўзбекистон раҳбарининг «кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас», деган фикрини алоҳида қайд этган ҳолда И. Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтади: «Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда».

**«РИА Новости» ахборот агентлиги** эса Ўзбекистон Президентининг маърузасидан иқтибос келтирган ҳолда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда», деган фикрини таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, «РИА Новости» Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 13,3 фоизини ташкил этиб, экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмаслигини ва бу халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат, деб баҳоланишини қайд этган.

**«Джиджи пресс» ахборот агентлиги мухбири Масаку Ишиининг қайд этишича**, Ўзбекистон ўзининг аниқ ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли, кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, молиявий инқирознинг салбий оқибатларини четлаб ўтишга муваффақ бўлди.

**▼ Дунё нигоҳи**

М. Ишиининг фикрича, 2009 йилда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурини амалга ошириш борасида белгиланган вазифалар, шубҳасиз, Ўзбекистон ривожининг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлашга ва мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**«La Gazette Diplomatic» журналининг бош муҳаррири Р. Бауссеннинг (Бельгия)** таъкидлашича, Ўзбекистон охирги йилларда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эътиборга молик натижаларни қўлга киритди. «Бу жараёнда мамлакат Конституцияси мазкур ислоҳотлар муваффақиятининг гарови бўлиб, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, дини, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, тенглигини таъминлайди», деди бельгиялик журналист.

Президент Ислом Каримовнинг маърузаси, шунингдек, кўплаб етакчи хорижий нашрлар, жумладан, Хитойнинг **«Женьминь Жибао»**, **«Lookwe»** ва бошқа нуфузли газета ҳамда журналлар саҳифаларида тўлалигича чоп этилди.

Президент Ислом Каримов маърузасини таҳлил қилар экан, хорижий бир қатор нуфузли мутахассис ва таҳлилчилар давлатимиз раҳбари томонидан кўтарилган глобал молиявий инқироз ҳамда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратади.

**Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Тараққиёт бошқармасининг иқтисодий-сиёсий таҳлил масалалари бўйича эксперти М. Хаяшикава:**

— Иқтисодчи сифатида мен, аввало, Ўзбекистон Президентининг жаҳон молия бозорида юзага келган вазият борасидаги қарашларини таъкидлашни истар эдим. Юртингиз раҳбарининг инқироз жараёнларига сабаб бўлган омиллар тўғрисида билдирган фикрлари мутлақо тўғри экани шубҳасиз.

Ривожланган давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти учун ниҳоятда катта зарар келтирган сиёсати оқибатлари хусусида узоқ ва танқидий фикр юритиш мумкин. Лекин бу вазиятда, шунингдек, айрим мамлакатлар томонидан юритилаётган хўжалик сиёсатининг ижобий жиҳатларини ҳам таъкидлаш ўринли бўларди, фикримча. Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашнинг ўз модели дунё молиявий инқирози оқибатида бозорларда юзага келган парокандалик шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини намоён этди.

(Давоми 3-бетда).

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Содда қилиб айтганда, ким бўлмасин, у деҳқон, ишчи ёки хизматчи бўладими, аввалambор, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, оладиган даромади, болаларимизнинг таълим-тарбия олиши, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар бўляптими, йўқми, деган муҳим масалалар бугунги фаолиятимизда асосий ўрин эгаллаши даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятта эга. Лекин оддий одам бу ўзгаришларни ўз кундалик турмушида, ўз дастурхонида, яқинлари, дўсту биродарларининг ҳаёти мисолида кўрмаса, барча қилган ишларимиз беҳуда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди мамлакатимиз раҳбари. Шу маънода, биз нимаики қилмасак, қандай вазифада ўтирмасак, барчамиз ана шундай аччиқ ҳақиқатнинг мағзини, таъбир жоиз бўлса, тўққиз пулдай чақиб, тушуниб, англаб олишимиз керак.

Шундан сўнг Президентимиз мажлис аҳли эътиборини Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳақида, уларнинг олдимизда турган мақсадларга қанчалик жавоб бериши тўғрисида фикрлашиб олишга қаратди.

Авваламбор, жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сезиларли натижаларга эришилгани қайд этилди. Буни 2008 йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди.

Мажлисда сўнгги олти йил давомида вилоятда барча манбалар ҳисобидан қарийб 1 триллион 588 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилиб, экспорт ҳажми 2 баробар ортгани ижобий баҳоланди. Вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 5 та лойиҳа амалга оширилиб, охирги икки йилда қарийб 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва шунинг ҳисобидан 3 миллион долларга яқин маблағ иқтисод қилингани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, қурилиш материаллари саноатини модернизация қилиш дастурига мувофиқ, 2007 йилда 6 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Йилига 7 миллион донага яқин ғишт ишлаб чиқарадиган 3 та завод, асфальт-бетон, мармар плиткалар, эшик-ром тайёрлайдиган корхоналар фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги соҳасида барча ҳудудларимиз қатори Навоий вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати қишлоқда асосий ҳал қилувчи кучга айланаётганига эътиборни қаратди. 2008 йили вилоят миқёсида етиштирилган пахтанинг қарийб 99 фоизи, ғалланинг эса 78 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Албатта, Навоий вилояти шароитида деҳқончилик билан шуғулланиш, бу заминнинг ҳамма ҳам чидай олмайдиган жазирама иссиғи, гармсел шамолларига бардош бериб, ердан ҳосил ундиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсонда кучли ирода, ўз ери, ўз ишига меҳр ва садоқат бўлиши керак.

Биз учун устувор масала бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам кейинги даврда Навоий вилоятида бир қатор ишлар қилингани эътиборга сазовор, деди Ислом Каримов. Хусусан, сўнгги беш йил мобайнида 490 километрлик ичимлик суви ва 500 километрдан ортиқ табиий газ тармоқлари ишга туширилди. Ана шундай амалий ишлар ҳисобидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 74,5 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса қарийб 84 фоизга етганини қайд этиш ўринлидир. Шулар қаторида 1 миллион 430 минг квадрат метрдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 1 миллион 270 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди.

Айниқса, таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида 75 та мактаб, 2 та академик лицей, 32 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилгани ёш авлодимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларимизга хизмат қилади.

Айни пайтда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида вилоятда 40 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин шу бепоён чўл бағрида барча қулайликларга эга бўлган мана шундай замонавий, кўркам таълим ва тиббиёт масканлари, янги туржойлар, боғроғлар пайдо бўлади деб ким тасаввур қилар эди, деб таъкидлади Юртбошимиз. Буларнинг барчаси аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, вилоятни янада обод қилиш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартиришга катта ҳисса бўлиб қўшилгани, албатта, одамни хурсанд қилади.

Албатта, Навоий вилоятида истиқомат қилаётган, кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган халқнинг фидокорона меҳнати билан амалга оширилаётган бундай ижобий ишлар ҳаммамизни қувонтиради. Лекин, шу билан бирга, вилоят аҳолисининг эҳтиёжларини, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш заруратини инобатга оладиган бўлсак, анчадан бери ечилмасдан келаётган муаммолар тобора кўпайиб бораётганини, бу ерда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси ва суръатлари барчамизни қониқтирмаслигини ҳам очиқ айтишимиз керак, деди Президент ва мажлис иштирокчилари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

Бугунги кунда вилоятдаги иқтисодий ўсиш суръатлари, мамлакат миқёсидаги кўрсаткичлар билан таққосланганда, паст даражада эканини афсус билан қайд этиш зарур. Мисол учун, 2008 йилнинг тўққиз ойи якунига кўра, Навоий вилоятининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиш ўрнига пасайиб бормоқда. Бунинг тасдиғини вилоятда фаолият кўрсатаётган бир қанча корхона ва муассасаларнинг зарар кўриб ишлаётгани мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Бундай қолоқлик сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, саноат соҳасида жиддий камчилик ва муаммолар борлиги кўзга ташланади. Жумладан, умумий саноат ишлаб чиқариши ҳажмида вилоят миқёсидаги корхоналарнинг ўрни ва салмоғи ҳалибери пастлигича қолмоқда, яъни, уларнинг улуши ҳаммаси бўлиб 3 фоизни ташкил этмоқда.

Барчамизга аёнки, деб ўз фикрини давом эттирди Ислом Каримов, ҳозирги вақтда мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик бизнес эгаларининг жамиятимиздаги нуфузи ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Биз бундай одамлар тимсолида Ватанимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлида мустаҳкам таянч ва суянч бўладиган ўрта синф вакилларини кўрамиз. Лекин Навоий вилоятида бу борадаги аҳволнинг таҳлили маҳаллий раҳбарларнинг мана шу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб етмаганини кўрсатмоқда.

Мисол учун, ҳозирги вақтда вилоятда рўйхатдан ўтган бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 7 фоиздан зиёди фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг асосий қисми Зарафшон шаҳри, Кармана ва Конимех туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундай ҳолатни вилоятда, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка етарлича эътибор берилмаётгани, бу соҳа вакилларига шароит туғдириш, имтиёзлар яратиб бериш, оддий эътибор ўрнига расмиятчилик, уларнинг муаммоларига панжа орасидан қараш оқибати сифатида баҳолаш керак. Бу фикрни исботлаб берадиган мисолларни вилоят бўйича кўп-кўп олиб келиш мумкин.

Шу борада Навоий вилоятида аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, шунинг ҳисобидан замон талаб қиладиган янги-янги хизмат турларини йўлга қўйиш, одамларнинг турмуш маданиятини ошириш бўйича қилинаётган ишлар, хусусан, республикамизда янги иш жойларини ташкил қилиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаси катта ўрин эгаллаётган бир вақтда бу вилоятдаги мавжуд аҳвол ҳеч кимни қониқтирмайди. Бир қиёслаб кўрайлик — бугунги кунда Ўзбекистон бўйича ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар ва сервис соҳасининг улуши қарийб 45 фоизга тенг бўлса, Навоий вилоятида бу рақам атиги 26 фоизни ташкил этмоқда.

Айниқса, вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида бу кўрсаткич 21 фоизга тенг бўлиб, у мамлакат миқёсидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади. Конимех, Нурота ва Навбаҳор туманларида одамларни иш билан банд қилиш, уларни барқарор ва доимий даромад манбаи билан таъминлашнинг муҳим омили бўлган бу масала умуман эътибордан четда қолиб келмоқда.

Мажлисда вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласига етарлича аҳамият берилмаётгани ҳам танқид қилинди. Жорий йилда инвестицияларни ўзлаштириш суръатлари сезиларли равишда пасайиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 80 фоизни ташкил этгани, аксарият туманларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мутлақо киритилмагани айтиб ўтилди.

Президент Навоий воҳасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида амалга оширилаётган ишларга баҳо берар экан, бу масалада ҳам оқсоқлик ҳолатлари кўзга ташланаётганини афсус билан қайд этди. Айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш масаласи эътибордан четда қолиб келмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда вилоят бўйича етиштирилаётган гўштни қайта ишлаш 3,6 фоизни, сутни қайта ишлаш эса 1,5 фоизни ташкил этмоқда, холос. Конимех ва Қизилтепа туманларида гўшт ва сут маҳсулотлари етарли бўлгани ҳолда, уларни қайта ишлаш деярли йўлга қўйилмаган.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, жорий йилда ташкил этилган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар савдо кўргазмаларида Навоий вилояти вакиллари томонидан қайта ишлашга ихтисослашган кичик технологиялар сотиб олиш юзасидан биронта ҳам шартнома тузилмаган.

Маълумки, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, халқимизнинг бу тансиқ маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли имкониятлар мавжуд. Бу борада Айдаркўл, Тўдакўл ва Шўркўл сув ҳавзаларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Аква-Тўдакўл» қўшма корхонасининг йилига 900 тоннадан ортиқ балиқ етиштириш билан боғлиқ тажрибаси эътиборга лойиқ. Бироқ вилоятда етиштирилаётган балиқ маҳсулотларининг атиги 2,5 фоизи қайта ишланаётганини албатта қониқарли деб бўлмайди.

Табиийки, бундай камчилик ва нуқсонлар вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига, авваламбор, унинг молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда ҳудуддаги 10 та шаҳар ва тумандан 5 таси дотацияда қолиб келаётгани шундан далолат беради. Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, вилоятда мавжуд боқимандa қарзлар 3 миллиард сўмни ташкил этаётгани, бу муаммони ҳал қилиш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли чоралар кўрилмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги пайтда Навоий вилояти қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илгариги мавқеини йўқотиб, қолоқликка юз тутаётгани ҳақида ҳам тўхталар экан, қуйидаги фикрларни баён қилди.

Албатта, бундай ҳолатнинг юз беришида қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани асосий сабаблардан бири эканини барчамиз яхши биламиз. Буни вилоят ҳудудидаги 132 минг гектар суғориладиган майдоннинг 87 фоиздан ортиғи турли даражада шўрлангани ҳам исботлаб турибди. Собиқ эски тузумдан қолиб келаётган бу оғир мерос оқибатларини тугатиш, унинг ечимини топиш борасида кейинги пайтда катта амалий ҳаракатлар бошланганидан хабардорсиз, албатта. Жумладан, Навоий вилоятида жорий йилда 1 миллиард 560 миллион сўм ҳажмидаги мелиорация ишларини амалга ошириш мўлжалланган. Ўтган давр мобайнида бу маблағнинг 75 фоизи ўзлаштирилди ва шу кунларда вилоятга қўшимча равишда 12 та замонавий мелиорация техникаси келтирилади. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, пировард натижада ерларнинг унумдорлигини яхшилашга ва деҳқонларимизнинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Ҳаммамизга маълумки, бу йилги кучли қурғоқчилик, сув етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар деҳқонларимизга катта қийинчиликлар туғдирди. Мана шундай оғир шароитга қарамасдан, деҳқончилик ишининг негизини биладиган фермер хўжаликлари, ишни тўғри ташкил қилган туман ва вилоятлар ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга эришди. Лекин Навоий вилоятида аҳвол қониқарли бўлмагани, авваламбор ташкилотчилик ишлари тўғри йўлга қўйилмагани, сафарбарлик ишларига ўта совуққонлик билан қаралгани белгиланган режаларнинг бажарилмаслигига олиб келди.

Бундай аччиқ ҳақиқат ҳақида сўз юритар эканмиз, мен сизларнинг эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Биз бугун олдимизда пайдо бўлаётган муаммоларни, аввало, ҳар томонлама чуқур англаб, уларнинг сабабларини, томирларини аниқлаб, нима ҳисобидан уларни ечиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Шундан кейингина бундай камчиликларни йўқ қилишга, бир ёқадан бош чиқариб, амалий ишлар билан вазиятни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Шу борада иш фаолиятимизга жиддий зарар етказадиган сабаблар қаторида, авваламбор, одамларнинг кайфиятига, керак бўлса, уларнинг сафарбарлигига катта таъсир кўрсатадиган социал масалаларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деди Ислом Каримов.

Мисол учун, тиббий хизмат кўрсатиш масаласини олайлик. Бу соҳадаги камчиликлар туфайли вилоятда аҳоли ўртасида умумий касалланиш даражасининг ўсиши кузатилмоқда. Хусусан, бу борадаги аҳвол республикадаги ўртача кўрсаткичдан асосий касаллик турлари бўйича 1,5 марта, 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида касалланиш бўйича эса 1,6 марта кўп экани ташвишланарли ҳолдир.

Вилоятда реабилитация ва даволаш-профилактика ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида ногиронлик бўйича кўрсаткич республика миқёсидаги кўрсаткичдан анчагина юқори экани кузатилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, одамларнинг эҳтиёжини қондирадиган социал объектларнинг қурилишини ўз вақтида тугатмаслик Навоий вилоятида одат даражасига кўтарилган. Мисол тариқасида Навоий шаҳрида жойлашган, 150 нафар одамни қабул қилиш имконига эга бўлган поликлиника ўз вақтида фойдаланишга топширилмаганини келтириш мумкин.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: вилоят раҳбарияти, тегишли мутасаддилар бундай нохуш ҳолатдан хабардорми, йўқми?

Вилоятда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Буни ичимлик суви билан таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилда кўзда тутилган 54 та қишлоқдан 18 тасида ичимлик суви тармоқларини қуриш ишлари ниҳоясига етказилмагани мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Нурота, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида бу масала ҳамон жиддий муаммо бўлиб турибди.

Яна бир муҳим масала — вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳвол ҳам кейинги йиллар давомида ижобий томонга ўзгармаяпти.

Бу ерда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари номигагина тузилган бўлиб, улар амалда «ЖЭК» деб аталган эски коммунал хизмат идораларидан деярли фарқ қилмайди. Ана шундай эскича ёндашув ширкат аъзолари томонидан коммунал хизматлар учун тўланаётган маблағларни мақсадли сарфлаш ва уй-жой фондидан самарали фойдаланиш йўлида ҳали-бери тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг салмоғи ва аҳамияти, кўп жиҳатдан, битта масала, яъни аҳолини доимий иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлаш орқали баҳоланади. Вилоятда 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида 24 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилганини қайд этган ҳолда, айтиш лозимки, бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди.

Бу масала, айниқса, Зарафшон шаҳри, Конимех ва Кармана туманларида долзарб бўлиб қолаётгани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Вилоятдаги ишсиз аҳолининг асосий қисмини 35 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этаётгани ташвишланарли ҳолдир.

Барчамизга яхши маълумки, ҳар қандай ташкилот, корхона ёки жамоанинг бугунги ва эртанги куни, авваламбор, юксак малакали, билимли ва тажрибали, мустақил фикрлайдиган кадрларга боғлиқ. Навоий вилоятидаги аҳволни шу нуқтаи назардан таҳлил қилар экан, Юртбошимиз бу ўта муҳим масалада ҳам кейинги пайтда вилоятда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди.

Айниқса, вилоят ва кўпгина туманлар раҳбарлари, жойлардаги мутасадди ходимлар ўз зиммасидаги вазифасини самарали бажариш, одамларни қийнаётган ўткир муаммоларни чуқур ўрганиб, ечимини топиш, ўз ишига танқидий қараш ўрнига эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб, боши айланиб, бепарволикка берилиб кетганини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолат, деб баҳолаш зарур. Бундай раҳбарлар умумий рақамларнинг орқасига яшириниб, қўлга киритилган ютуқларда ўзининг бевосита ҳиссаси бўлмаса ҳам худдики осмонда парвоз қилиб юради.

Ҳолбуки, вилоят ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида ишни ташкил этиш бўйича жиддий нуқсонлар мавжуд эканини тасдиқлайдиган маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. 2007-2008 йиллар давомида ана шундай камчиликларга йўл қўйгани учун Нурота тумани ҳокими У. Ҳакимов, Навбаҳор тумани ҳокими М. Раҳматов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Президентимиз мажлис иштирокчилари эътиборини муҳим бир масалага қаратиб, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларда барча бўғиндаги депутатлар фаоллигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлади. Ҳозирги пайтда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари шундай ҳуқуққа эгаки, улар ҳар қайси ҳудуддаги ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига танқидий баҳо бериб, ўз хулосаларини очиқ айтиши, зарурат туғилганда эса тегишли раҳбарни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишни сўраб Президентга мурожаат қилиши амалдаги қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, Президент ана шу мурожаат асосида жойларга махсус комиссия юборади. Ва фаолияти қониқарсиз деб топилган мазкур раҳбарнинг ишини ҳар томонлама ўрганиб, ўз хулосаси ва қарорини чиқаради. Афсуски, бугунги кунда маҳаллий кенгашлар депутатлари қонунда кафолатланган ана шу ваколатларидан фойдаланмасдан келмоқда.

Бу ҳақда тўхталар экан, давлатимиз раҳбари халқ ноибларини шу масалада фаол бўлишга чақирди. Айниқса, билдирилган ишончни оқлай олмасдан, ишни барбод қилаётган ноқобил раҳбарлар ўрнига бугун сафимизга кириб келаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, хорижий тилларни биладиган, дунёқараши кенг, эл-юрт учун ишлайман, деб ёниб турган ёшларга ишонч билдириб, уларни масъул лавозимларга кўтариш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Афсуски, Навоий вилоятида раҳбар ходимлар ўртасида иш фаолиятидаги сусткашлик, ташаббускорликнинг етишмаслиги, мавжуд камчиликларга лоқайд муносабат ҳамда қонунчилик талабларини бузиш каби ҳолатлар учраб турибди. Буни кейинги икки йилда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарларидан 7 нафари, вилоят миқёсидаги 6 та ташкилот раҳбари ўз вазифасидан четлатилгани ҳам тасдиқлайди. Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Барчангизга маълумки, Баҳриддин Рўзиев 2002 йилнинг май ойидан буён Навоий вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келмоқда, деди Президент. Албатта, дастлабки пайтда унинг фаолиятида вилоят олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш бўйича бирмунча ҳаракатлар сезилганини эътироф этиш лозим. Лекин, очиғини айтиш керакки, вақт ўтиши ва раҳбарларга қўйиладиган талабнинг ортиб бориши билан Рўзиевнинг ишни ташкил қилиш қобилияти етарли эмаслиги, иш услубидаги камчиликлар бу раҳбарнинг фаолиятига, энг муҳими, вилоят ҳаётига, бу ердаги маънавий муҳитга катта салбий таъсир ўтказаётгани тобора аён бўлмоқда.

Шу ўринда бир фикрни айтишни зарур, деб биламан: раҳбар дегани кузатувчи эмас, авваламбор, барча ишларга бош-қош бўладиган, масъулият ва жавобгарликни ўзига оладиган, оғир пайтда бошқаларга намуна бўладиган, ташкилотчи, керак бўлса, одамларни ўз ортидан эргаштиришга қодир, кучқудрати ва иродаси бақувват инсон бўлиши шарт, деди Юртбошимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Рўзиев Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди:

Навоий вилоятининг ўзига хос шароити ҳақида тўхталар экан, Ислом Каримов бу ҳудудни бошқариш учун раҳбардан катта билим ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, энг муҳими, кўп миллатли бу воҳада одамлар билан тил топишиб ишлай олиш талаб қилинишини таъкидлади. Фурсатдан фойдаланиб, деди Президентимиз, шу вилоятни обод қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қозоқ, рус, туркман, тожик ва бошқа миллат вакилларига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик асоси бўлган давлат ва жамият ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳақида тўхталиб, Ислом Каримов қуйидаги фикрларни алоҳида уқтириб ўтди. Биз юртимизда янги демократик давлат қураяпмиз. Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса. Шу маънода, мен нодавлат тузилмалар, жумладан, маҳалла институтини фуқаролик жамияти тизимидаги ҳал қилувчи бўғин, деб биламан. Одамларнинг дардини, кундалик уй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлмиш маҳалла адолатли иш олиб боришига ишонаман. Нега деганда, маҳалла — халқ виждони демакдир. Мен бундан кейин ҳам ўз фаолиятимда фуқаролик жамиятини юртимизда қарор топтириш учун ўзимнинг бор куч-ғайратимни сафарбар қиламан ва сизларни ҳам шунга даъват этаман.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Эркинжон Турдимов Навоий вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вилоят олдидаги, янги ҳоким зиммасидаги вазифалар ҳақида тўхталар экан, Юртбошимиз Навоий вилояти аҳолисининг ҳаётини янада яхшилаш учун ҳозиргина сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган раҳбар, авваламбор, тадбиркорлик, фермерлик ва тижорат соҳаларининг ривожига устувор аҳамият қаратиши, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши, керак бўлса, уларни ҳар хил зўравонлардан ҳимоя қилиши, қўллаб-қувватлаши лозим, деди. Яна бир долзарб вазифа — қишлоқ жойларда, туманларда инфратузилмаларни ривожлантириш, хусусан, тиббий ва маиший хизмат, ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш масаласига жиддий аҳамият бериши керак. Бу мақсадларга эришишда нафақат янги сайланган ҳоким, балки мана шу ерда ўтирган фаоллар, барча мутасаддилар ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур.

Навоий вилоятининг бугунги ҳаёти, эртанги истиқболи Ватанимиз, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Куни кеча қабул қилинган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисидаги махсус фармон ҳам, ҳеч шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Мен ҳаёт синовларида тобланган Навоий аҳлини иродаси мустаҳкам, меҳнаткаш, мард ва ориятли халқ деб биламан ва ҳурмат қиламан. Бу эл ўз олдида турган барча вазифаларни масъулият билан адо этишга ҳар томонлама қодир. Бунинг учун фақат бу халқнинг қалбида, юрагида бўлган интилишлар, дарду қувончлар билан бирга яшаш, унинг орзу-умидларининг рўёбга чиқишида бош-қош бўлиш керак. Вилоятнинг янги раҳбари ана шу масалани ўз фаолиятининг марказига қўйиб, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларга ибрат ва намуна бўлиб иш олиб борса, мен ишонаман, Навоий аҳли ҳам уни чин дилдан қабул қилади. Керак бўлса, ҳамма масалаларда унга таянч ва суянч бўлади. Олдимизда турган юксак марраларга эришиш йўлида биз барчамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз, юртимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада кучайтириш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз керак, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Навоий давлат педагогика институти ректори Холбой Иброҳимов, "Нуроний" жамғармаси Хатирчи тумани бўлими раиси Хидирмурод Шакаров, "Знамя Дружбы" газетаси бош муҳаррири Ольга Сашина, Конимех тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Кунсулув Нормуродова, Навоий давлат кончилик институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Муҳаббат Темирова ва бошқалар вилоятда барча соҳа ва тармоқларда ишни Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлар, таклиф ва хулосалар асосида ташкил этган ҳолда, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, бор куч ва имкониятларни ана шу эзгу мақсад йўлида сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

**(ЎзА).**

---

Назорат ва таҳлил:

## КАСАНАЧИЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур ҳужжатлар корхона ва маҳаллий ҳокимият органларининг касаначиликни ривожлантириш борасидаги фаолиятини жонлантириб юборганлиги иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, тармоқ корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг турларини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Тадбирда "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, шаҳар ва туман ҳокимликларига касаначиларни хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя этилишига аҳамият бериш, ишчи комиссиясига эса янги касаначилик ўринларини аниқлаш ва ташкил этишда ёрдам кўрсатиш тавсия этилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

---

# ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ГУЛИСТОН

***Кейинги йилларда Гулистон шаҳри тобора чирой очиб бормоқда. Куни кеча замонавий талаблар асосида қурилган "Фирдавс" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Унга "Зайнуллабек Абдуллаев" фермер хўжалиги ҳомийлик қилди.***

**Бунёдкорлик**

**Ш**унингдек, кийимни кимёвий тозалаш корхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ишга тушганлиги гулистонликларни мамнун этди.

— Кейинги ўн ой давомида бешта иншоот фойдаланишга топширилди, 27 тасида таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Қобилжон Бойтўраев. — Бугунги Гулистон шаҳри кечаги Гулистон эмас. Бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари шаҳар кўркига кўрк қўшаётир...



**СУРАТДА:** кийимни кимёвий тозалаш корхонаси ишидан аҳоли мамнун.

**А. АБДУВАЛИЕВ олган сурат.**

---

# Ижтимоий телерадиороликлар эзгуликни тарғиб қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шу жиҳатларни инобатга олган Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги ҳамда Ассоциация ташкил этилганлигининг 5 йиллиги муносабати билан Ижтимоий телерадиороликлар биринчи миллий фестивалини ўтказди.

Анжуман доирасида ижтимоий телерадиороликлар танлови ҳам ташкил этилди. Кеча пойтахтимиздаги "Radisson Sas Tashkent" меҳмонхонасида ана шу танловнинг ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

— Жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабрига қадар давом этган танловга давлат ва нодавлат телерадиостанциялари томонидан 300 дан ортиқ теле ва радиороликлар тақдим этилди, — дейди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, ЎзЭОАВМА Экспертлар кенгаши раиси Шерзод Ғуломов. — Эътиборли жиҳати, улардан 125 таси "Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш" номинацияси бўйича тайёрланган. Айни пайтда "Инсонпарварлик ва меҳр-мурувват", "Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси", "Аҳолини парранда гриппининг салбий оқибатларидан огоҳ этиш", "Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолини огоҳ этиш" каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Танловга тақдим этилган ҳар бир ижодий иш ижтимоий аҳамиятга эгалиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган мажлисда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислоҳотларнинг пировард мақсади — халқимиз фаровонлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа манфаатларини янада самаралироқ муҳофаза қилишга қаратилгани таъкидланди.

Ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари кейинги йилларда янада чуқурлаштирилди. Шундан келиб чиқиб, судлар фаолиятида асосий эътибор қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган қонунларни амалиётга татбиқ этишдан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилмоқда.

Жумладан, "Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ушбу масала бўйича суд амалиётида юзага келаётган тушунмовчиликларни бартараф этишга қаратилган. Унда руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича батафсил тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, пленумда "Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессида судлар тўғри ва асосли қарорлар қабул қилиш мақсадида санъат, фан, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билимни талаб қиладиган, ишни тўғри ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлаш учун экспертизалар тайинламоқда. Лекин барча ҳолатларда ҳам судлар экспертиза имкониятларидан кенг фойдаланмоқда, деб бўлмайди. Бугунги кунда судларда кўриладиган низоларнинг мазмун жиҳатидан тоифаси кенгайганлиги ҳам ушбу пленум қарори лойиҳасини тайёрлаш заруриятини тақозо этди. Унда судларга экспертиза тайинлаш борасида нималарга эътибор қаратиши батафсил кўрсатиб берилган. Ишларни кўриш муддати чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида экспертиза муддатлари бўйича ҳам тушунтиришлар берилган.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# АКАДЕМИК МУРОД ШАРИФХЎЖАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Шафқатсиз ўлим иқтисодиёт соҳасидаги йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, сенатор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Мурод Шарифхўжаевич Шарифхўжаевни 76 ёшида орамиздан олиб кетди.

М. Шарифхўжаев 1932 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1953 йили Тошкент молия-иқтисод институтини тугатиб, шу институт қошидаги аспирантурага ўқишга кирди. 1960 йилда номзодлик, 1976 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги сермаҳсул фаолияти учун 1978 йилда профессор унвонига сазовор бўлди, 1995 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

1956 йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да доцент сифатида иш бошлаган М.Шарифхўжаев ўзининг 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида кафедра мудири, Тошкент халқ хўжалиги институти ректори, Тошкент молия институти ректори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда ёш иқтисодчи кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди.

М. Шарифхўжаев 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиби вазифасида хизмат қилди.

У давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, 2006 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Атоқли олим ўз шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистонда инвестицион мажмуаларни ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этишда салмоқли ҳисса қўшди. Унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Жумладан, унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Академик М. Шарифхўжаевнинг мамлакатимиз фани ривожига қўшган ҳиссаси давлат томонидан муносиб тақдирланиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" ва "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвонларига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, давлат ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мурод Шарифхўжаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Э. ЗОҲИДОВ, Ш. СОЛИҲОВ, А. ПАРПИЕВ, С. ҒУЛОМОВ, М. САЛОҲИДДИНОВ**

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗ МОДЕЛИ НАҚАДАР ТЎҒРИ ЭКАНИ АМАЛДА НАМОЁН БЎЛДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўтиш шароитида иқтисодиётни давлат томонидан мувофиқлаштириш усуллари қўлланилаётгани ҳам ўринлидир. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон молия инқирози оқибатларидан айтарли даражада катта зарар кўрмагани, молиявий, иқтисодий ва банк тизимининг барқарор фаолияти таъминланаётганини ҳар томонлама юқори баҳолаш мумкин.

**Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари институти ижрочи директори Тецужи Танаканинг таъкидлашича,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида ҳозирги куннинг бир қатор долзарб масалалари акс этиб, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг деярли барча муҳим жиҳатлари қамраб олинган.

Япониялик экспертнинг фикрига кўра, Президент Ислом Каримов кучли фуқаролик жамияти барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат анъанавий турмуш тарзи асосларидан бири бўлмиш маҳалла институтини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикри ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Япония ташқи савдо ташкилотининг (ЖЕТРО) тадқиқотлар бўлими директори ўринбосари Юка Мацумотонинг айтишича,** Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёни анчайин юқори суръатда амалга оширилаётган бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳукумат бозор ислоҳотларини жадаллаштириш йўлидан бораётганидан далолатдир.

Жаҳон бозорларида юзага келган молиявий инқироз ҳақида гапирар экан, Ю. Мацумото Ўзбекистон раҳбари томонидан танланган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўли ўзининг ижобий аҳамиятини намоён этиб, инқирознинг мамлакат иқтисодиётига бўлган салбий таъсири оқибатларини юмшатишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

**«Сасакава» жамғармасининг минтақавий жамғармалар бўлими бошлиғи ўринбосари Акира Мацунаганинг** фикрича, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши Ўзбекистон банк-молия тизимига дунёда юзага келган инқироз таъсирига қарши туриш имконини бераётган иммунитетни шакллантириб, мамлакатда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Шу билан бирга, япониялик эксперт мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий сармоялар ҳажмининг сезиларли даражада ортгани ва халқаро молиявий инқироз шароитида инфляция ҳамда ташқи қарз ҳажмининг режадаги даражада сақлаб турилаётганини алоҳида таъкидлайди.

**Жанубий ва Марказий Осиё бўйича мутахассис Э. Ламбаль (Франция)** Ўзбекистон ҳукумати томонидан «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили изчил амалга ошириб келинаётганини таъкидлади. «Президент Ислом Каримовнинг «Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» тамойилига тўлиқ қўшиламан, — дейди франциялик мутахассис. — Мамлакат раҳбарияти давлатни тадрижий равишда демократик янгилаш йўлидаги ислоҳотларни изчил амалга оширмоқда. Шу ўринда маҳалла каби бeқиёс ижтимоий институт, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида, ёшларни миллий қадриятларга асосланган ҳолда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашни истардим».

Франциялик мутахассиснинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон молиявий инқирози ҳамда унинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатаётган таъсирига бағишланган чуқур таҳлили алоҳида эътиборга лойиқ. «Ўзбекистон банк-молия тизими барқарор фаолият юритаётганини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда, бу — мамлакат иқтисодий ва пул-кредит сиёсатини босқичма-босқич амалга оширишнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши натижаси эканини айтиш жоиз, — дейди Э. Ламбаль. — Қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш сиёсатининг самараси, айниқса, халқаро молиявий инқироз шароитида яққол намоён бўлди».

**Лёвен католик университети халқаро муносабатлар департаменти директори ўринбосари, профессор К. Малфлетнинг (Бельгия)** таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърузасида мамлакатнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти сарҳисоб қилингани, айниқса, диққатга сазовор жиҳатлардан бири бўлди. Шу ўринда Малфлет хоним юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида қўлга киритган натижаларини ижобий баҳолашини айтиб ўтди.

Бельгиялик олиманинг фикрича, Президент Ислом Каримовнинг янги ва аввало, мамлакатни бошқаришда фуқаролар иштирокини янада кучайтириш борасидаги вазифаларни ҳал этишга интилаётгани таҳсинга сазовор. Маърузани таҳлил қилар экан, Малфлет хоним Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг катта муваффақияти — мамлакат ислоҳотларни амалга ошириш ва давлатни модернизация қилишнинг ўз моделини танлаб, бу йўлдаги барча вазифаларни изчил амалга ошириб келаётганидан иборат бўлганини қайд этди.

**Халқаро сиёсат масалалари бўйича эксперт А. Отиас (Португалия):**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасидаги дастурийликни, жумладан, мамлакат Конституциясида акс этган меъёр ва асосий тамойилларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чуқур ва ҳар томонлама таҳлил, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқболлари борасидаги қарашларни алоҳида таъкидлаш ўринли.

Фикримча, қишлоқни ривожлантириш масаласини давлат даражасига кўтариш ва кириб келаётган 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиш муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, қишлоқ доимо мамлакатни боқиб келган, шу боис унинг ривож топишига бутун мамлакат фаровонлиги бевосита боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда демократик давлат барпо этилиши, эркин бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлган Конституция қабул қилинган куннинг кенг байрам қилиниши барқарор ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим бўғинларидан биридир.

**Қирғизистонлик академик Р. Раҳмоналиевнинг** фикрича, Президент Ислом Каримов маърузасида келтириб ўтилган Ўзбекистоннинг ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 13,3 фоизини ташкил этиб, экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмаслиги тўғрисидаги маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир. «Мамлакат раҳбариятининг чуқур ўйланган ва ҳар томонлама ҳисоб-китобларга асосланган ташқи қарз олиш, қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, имтиёзли фоиз ставкаларига асосланган узоқ муддатли хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида диққатга сазовор», дейди олим.

Р. Раҳмоналиевнинг фикрича, мазкур тадбирлар мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлаб, Ўзбекистонни ташқи молиявий-иқтисодий инқироз ва беқарорликларнинг салбий оқибатларидан ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Олимнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентининг маърузаси билан танишиб чиққач, мамлакат ўз тараққиёт йўлини тўғри танлагани ва дунёнинг деярли барча давлатлари глобал молиявий инқироз таъсиридан азоб чекаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг қарори тўғри бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**«Жаҳон» АА.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ошкор этилишини тақиқламоқчи



***Авиайўналишларни бошқариш ассоциациялари халқаро федерацияси (IFALPA) ҳалокатга учраган самолётларнинг «қора қути»ларидаги аудиоёзувларни оммавий ахборот воситалари орқали ошкор этилишини тақиқламоқчи.***

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги маълум қилди.

Федерация вакилининг сўзларига кўра, ҳалокатга учраётган ҳаво лайнери учувчилари ва экипаж аъзоларининг сўнгги дақиқалардаги суҳбатларини оммага билдириш уларнинг оила аъзоларига руҳан таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, бу ахлоқ қоидаларига ҳам тўғри келмайди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтгача бу борада дунёнинг деярли барча мамлакатларида ҳеч қандай тақиқ ўрнатилмаган. Фақат АҚШдагина «қора қути»ларни ўрганиш қонун ҳимоясига олинган.

## Изланишлар натижаси

***АҚШнинг Пенсильвания штати тадқиқотчилари инсонларни ортиқча вазндан халос этишнинг янги усуллари устида изланишлар олиб боришмоқда.***

Пенсильвания университетининг тиббиёт мактабида олиб борилган тадқиқотларга 57 киши жалб этилди. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинди ва уларга 16 ҳафта ичида 7,25 килограммга озиш талаби қўйилди. Тадбирда турли шартлар белгиланди. Жумладан, агар биринчи гуруҳ аъзолари вазнларини камайтиришга эришишса, уларни рағбатлантириш ваъда қилинди. Иккинчи гуруҳ аъзоларига эса сал бошқачароқ вазифа юкланди. Яъни, улардан маълум миқдорда пул йиғиб олинди ва ушбу маблағ белгиланган вазнга озганларидан сўнг қайтарилиши билдирилди. Якунда иштирокчиларнинг ярмидан кўпида кутилган натижа қайд этилди. Қизиғи шундаки, пул тиккан иштирокчиларнинг аксарияти ҳатто ўн килограммгача озиб кетишган.

## Жиноятчилар қўлга олинди

***Испания полицияси Севилья шаҳри яқинида Буюк Британия ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қидирилаётган икки нафар хавфли жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлган.***



Бу ҳақда «Sky News» хабар тарқатди. Жиноятчилардан бири 28 ёшли Дэниэл Жонстон бўлиб, у 2004 ва 2005 йиллар давомида Буюк Британиянинг Дербишир графлиги ҳудудида бир неча бор қуролли ҳужумларни содир этган. Иккинчи қонунбузар Кит Берк (47 ёшда) эса Донкастер шаҳрида ўз жиноий ҳаракатларини амалга оширган.

Таъкидлаш керакки, бу икки ҳуқуқбузар Буюк Британиянинг қидирувдаги энг хавфли 30 нафар жиноятчиси рўйхатига киритилган.

## Кондаги нохушлик

***Россиянинг Мурманск вилоятидаги конлардан бирида портлаш содир бўлди, дейилади "РИА Новости" ахборотида.***

Натижада тўққиз нафар кон ишчиси ҳалок бўлган, уч кишининг эса тақдири номаълум бўлиб турибди. Воқеа жойида иш олиб бораётган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг таъкидлашича, портлаш кондаги турли газларнинг ўзаро реакцияга киришиши оқибатида юзага келган бўлиши мумкин.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

O'ZSANOATQURILISHBANK

2008 йил 10 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Омад» буюм ютуқли
омонати бўйича 1-ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ
Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

| Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчининг ҳисобварағи рақами | Т/р | Буюм ютуғининг номи | Омонатчининг ҳисобварағи рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | DVD плейери | 25 | 26. | Радиотелефон | 523 |
| 2. | «Roison» телевизори | 40 | 27. | DVD плейери | 537 |
| 3. | CD плейери | 57 | 28. | Радиотелефон | 549 |
| 4. | Радиотелефон | 97 | 29. | Радиотелефон | 554 |
| 5. | Микротўлқинли печь | 102 | 30. | «Roison» телевизори | 563 |
| 6. | DVD плейери | 115 | 31. | Радиотелефон | 579 |
| 7. | CD плейери | 122 | 32. | Компьютер P4 | 587 |
| 8. | Компьютер P4 | 139 | 33. | Уяли алоқа телефони | 593 |
| 9. | DVD плейери | 153 | 34. | CD плейери | 655 |
| 10. | Радиотелефон | 176 | 35. | CD плейери | 660 |
| 11. | «Roison» телевизори | 189 | 36. | Микротўлқинли печь | 720 |
| 12. | Блендер | 197 | 37. | Микротўлқинли печь | 732 |
| 13. | Уяли алоқа телефони | 207 | 38. | Уяли алоқа телефони | 747 |
| 14. | Блендер | 211 | 39. | Уяли алоқа телефони | 769 |
| 15. | «Roison» телевизори | 249 | 40. | Радиотелефон | 775 |
| 16. | Блендер | 265 | 41. | Уяли алоқа телефони | 782 |
| 17. | Уяли алоқа телефони | 328 | 42. | Блендер | 826 |
| 18. | «Roison» телевизори | 333 | 43. | Уяли алоқа телефони | 857 |
| 19. | CD плейери | 346 | 44. | Компьютер P4 | 862 |
| 20. | Радиотелефон | 397 | 45. | «Roison» телевизори | 873 |
| 21. | Уяли алоқа телефони | 423 | 46. | Уяли алоқа телефони | 909 |
| 22. | Блендер | 453 | 47. | «Roison» телевизори | 918 |
| 23. | Микротўлқинли печь | 468 | 48. | Радиотелефон | 969 |
| 24. | Микротўлқинли печь | 474 | 49. | Радиотелефон | 988 |
| 25. | Уяли алоқа телефони | 497 | 50. | DVD плейери | 995 |

Изоҳ: ушбу жадвалда ютуқлар фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисобварақлар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, яъни биринчи мингталикдагидек.

Мисол учун: ОД-4, ОД-1004, ОД-2004, ОД-3004 ва ҳ.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унга биноан буюм ютуқларига эга бўлган ҳисобварақларни аниқлайди ва белгиланган тартибда ютуқ ютган «Омад» омонати эгаларига буюм ютуқлари бир ой муддат ичида топширилади.

«Омад» буюм ютуқли омонат бўйича тиражлар ўтказилаётган йилнинг 1 декабрь ҳолатига омонатчининг ҳисобварағидаги омонат қолдиғи 500 минг сўм ва ундан юқори бўлганлари омонат шартига кўра, ютуқлар тиражида иштирок этади.

**Ҳайъат раиси, «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг ўринбосари** — **М.К. Мирзабаев**

**Масъул котиб** — **Н.Г. Эргашходжаев**

«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ
2009 йилнинг I чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:
САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.
Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.
Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 26 декабрь куни соат 17.00 гача.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

2008 йилнинг 16-18 декабрь кунлари
«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАК биносида
енгилсаноат маҳсулотлари улгуржи савдо ярмаркаси ўтказилади.

Унда 2009 йилда «Ўзбекенгилсаноат» тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун шартномалар тузиш кўзда тутилган.

Ярмаркада юқори сифатли тўқимачилик ва тикувчилик саноати маҳсулотлари, спорт ва иш кийимлари, улар учун хом ашёлар, шу жумладан, ип-калава, трикотаж матолари, газламалар ва бошқа маҳсулотлар намойиш этилади.





Ярмарканинг иш тартиби: соат 10.00 дан 17.00 гача.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 253-93-54, 253-79-39.

***Пахтакор туманида "Ёшлар маркази" иш бошлади. Ҳомийлар томонидан 120 миллион сўм сарфланиши эвазига бунёд этилган ушбу кўркам бинога "Камолот" ЁИҲ туман бўлими кўчиб ўтди.***

## Кўркам марказ

Марказда бичиш-тикиш, компьютер технологияси, инглиз ва рус тиллари тўгараклари очилди. Шунингдек, бу ерда 14 минг нусхадаги турли адабиёт ва қўлланмалар мавжуд бўлган ахборот-ресурс маркази, ўқув зали ва видеосалон ҳам фаолият кўрсата бошлади.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, Касаба уюшма қўмитаси Давлат ва ҳуқуқ асослари кафедрасининг доценти **Аҳмад ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Миллий Кенгаши жамиятнинг Бухоро вилояти кенгаши раиси В. Музафаровга падари бузруквори **Абдулло МУЗАФАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Спортнинг армрестлинг тури бўйича халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда юртдошларимиз доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади.**

# МИРЗОҲИД ШАРОПОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Куни кеча Канада давлатида XXX жаҳон чемпионати якунланди. Унда қатнашган ҳамюртимиз Мирзоҳид Шаропов (80 кг.) барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Океанорти мамлакатида музаффар спортчимиз шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шунингдек, Мирзоҳид аралаш дастур беллашувларида кумуш медални қўлга киритди.

Навоийлик М. Шаропов учун ушбу ғалаба дастлабкиси эмас. У бундан аввал Болгария давлати мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллаган эди.

# КАРАТЭ УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА

**13-14 декабрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида шотакан каратэ-до бўйича биринчи Осиё чемпионати бўлиб ўтади.**

Кеча шу муносабат билан "Марказий" меҳмонхонада оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани уюштирилди. Унда маълум қилинишича, Ўзбекистонда шотакан каратэ-до ассоциацияси 2003 йилда ташкил этилган. Қисқа давр ичида спортнинг ушбу тури мамлакатимизда сезиларли даражада ривожланди. Бугунги кунга келиб, 20 минг нафардан ортиқ ёшларимиз шотакан каратэ-до бўйича машғулотларда иштирок этмоқдалар. Ўз-ўзидан спортчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар салмоғи ҳам яхшиланиб бормоқда. 2007 йили Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз 4 та олтин ва 4 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўриндан жой олишган эди.

— Спортчиларингиз эришаётган муваффақиятлар ва бу ерда яратилган қулай шароитларни кўриб, биринчи Осиё чемпионатини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилдик, — дейди Халқаро шотакан каратэ-до ассоциацияси вице-президенти, япониялик Хитоши Касуя. — Умид қиламизки, мусобақа ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтади.



# ОТ ЎЙНАТГАН ЎСМИРЛАР



***"2008 йил 5 июль. От спорти бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқич саралаш ўйинлари ҳаяжонли кечди. Гап шундаки, сўнгги натижага кўра, мезбонлар вакили Егор Маровский билан кўрсаткичларимиз бир хил бўлиб, ғолибни аниқлаш учун қайта баҳслашишга тўғри келди. Яна майдонга тушдик. Ўзим учун қадрдон бўлиб қолган отим — "Рио сакраменто"ни тўсиқлар сари йўналтирар эканман, кўз олдимда жонажон юртим, ота-онам, дўстларим гавдаланди. Ғайратим жўшиб, тулпоримни ниқтадим. Жонивор ҳам мени тушунгандай шахдам сакрашга тушди. Ҳаммасини сониялар ҳал қилди. Тўсиқларни қозоқ чавандозидан етти сония аввал забт этдим, Гран-при — энди меники".***

Ўша куни Германия, Молдова, Хитой, Грузия, Украина, Қирғизистон, Корея ва бошқа давлатларнинг кучли чавандозлари от сурган нуфузли беллашувда Наманган вилоят болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби тарбияланувчиси Умид Комиловга омад кулиб боқди. У ўз тулпорида 150 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан сакраш бўйича энг юқори натижани қўлга киритиб, Остона отчопари узра мамлакатимиз байроғини ҳилпиратди.

Наманган шаҳрининг чеккасида мўъжазгина отчопар бор. Бу ерда арғумоғини у ёқдан бу ёққа чоптириб, турли мураккаб машқларни бажараётган ўсмирларнинг ҳаракати бирор кун ҳам тинмайди. Эртага чапдаст чавандоз бўлишни кўзлаган бу ёшлар вилоят болалар от спорти мактабининг тарбияланувчилари, Умид Комилов сингари бўлажак чемпионлар. Улар ўз тулпорини махсус тўсиқлар оша сакратиб, мўъжизавий ўйинлар ижро этганини кўрганда кишининг беихтиёр болаларга қўшилиб от чоптиргиси келади. Бугун мактабда юзга яқин ёш чавандоз таҳсил оляпти. Машғулотларни юқори савияда ташкил этиш учун ҳамма имконият яратилган. Турли йўналишдаги машқларни бажаришга ўргатилган 14 та отдан қай бирининг эгарига ўтириб жиловни силтаманг, жонивор, айтганингиздек, йўрғалашга тушади. Мураббий Сергей Шмелёв ўта талабчан, бажарилаётган машқ кўнгилдагидек чиқмаса, отни ҳам, унинг устидаги ўсмирни ҳам тинч қўймайди. Шунданми, шогирдлари орасида 50 дан ортиғи спорт устаси тоифасига эга бўлиб, нуфузли мусобақаларда маҳорат кўрсатаётир, улардан бири бу унвонни халқаро тоифа даражасида ҳимоя қилган.

Жорий йил баҳорида мамлакатимиз пойтахтида от спорти бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ташкил этилди. Унда наманганликлар вакили Умид Комиловга тенг келадиган чавандоз топилмади. У учта йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритгандан сўнг вилоят жамоаси учун биринчи ўрин нақд бўлди. Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган "Водий биринчилиги" мусобақаларида эса унинг мактабдоши Юсуф Абдураҳимов беллашувнинг биринчи рақамли чавандози, деган фахрли ном билан қайтди.

— Тарбияланувчиларимиздан умид катта, — дейди мактаб директори Нозимжон Мамажонов. — Чавандозлик маҳоратини қунт билан эгаллаётган укажонларимизнинг от ўйнатишини кўриб, улар орасидан кўплаб Алпомишлар етишиб чиқишига ишонгим келади. Нафақат мактабимиз, балки бутун Ўзбекистонимиз фахри бўлган Умид Комиловдан эса янада катта натижаларни кутиб турибмиз. У айни кунларда келгуси йили от спорти бўйича жаҳон кубогининг Лос-Анжелосда ўтказиладиган якуний босқич мусобқаларига астойдил тайёргарлик кўряпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОВРИНДОРЛАРИ

***"Ўзбекдавлатцирки" биносида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Муайтай федерацияси ҳамкорлигида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб муайтай бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон кубоги мусобақалари ғолиблари номи маълум бўлди.***

Икки кун давомида бу ерга йиғилган ишқибозлар жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионати ғолиб ва совриндорлари иштирокидаги муросасиз беллашувлар гувоҳига айланишди.

"Ўзбекистон ёшлари гиёҳвандликка ва терроризмга қарши" шиори остида уюштирилган мусобақада мамлакат чемпионати ва халқаро турнирларда муносиб иштирок этган муайтайчилар рингга чиқдилар.

Биринчи кунги беллашувларда Бахтиёр Каримов, Аҳмат Мирзаев, Ҳамдам Азимов, Бекзод Жиянов (Тошкент), Диёр Парпиев, Сардор Шоимқулов (Андижон), Аброр Алиев (Қашқадарё), Шаҳбоз Азимов (Самарқанд) ўз вазн тоифаларида ғалаба қозонишди.

Мусобақанинг иккинчи куни эса Ғулом Ҳалимов, Шерзод Шарипов, Нодир Абдураҳимов, Жавлон Назаров, Жасур Мирзамуҳамедов (Тошкент), Шоҳруҳ Абдувосиев, Фирдавсий Холмуродов, Артур Қодирқулов (Самарқанд), Маҳмуд Бойназаров (Қорақалпоғистон) рақибларини мағлубиятга учратиб, ўз вазн тоифаларида Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлишди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шоҳсупада — бухоролик таэквандочилар

**Қарши шаҳрида 16 ёшгача бўлган таэквандочилар ўртасида ўтказилган мамлакат очиқ биринчилигида Бухоро вилояти вакиллари муваффақиятли қатнашдилар.**

Салкам 600 нафар спортчи иштирок этган турнирда Шерзод Саломов, Алишер Ҳамроев, Ҳасан Бобоқулов сингари таэквандочилар ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди. Шуниси эътиборлики, 11 та вазн тоифасида ўтказилган баҳсларнинг барчасида бухоролик спортчилар шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар. Улар жамоавий мусобақа баҳсларида ҳам биринчи ўринни эгалладилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport

***Косон туманидаги Пудина қишлоғида истиқомат қилувчи Набиевлар хонадонига Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ташаккурномаси келди. Унда ушбу оила фарзанди Ҳусанжоннинг ҳарбий хизмат бурчини аъло даражада бажараётганлиги учун миннатдорчилик сўзлари битилган эди.***

# ТАШАККУРНОМАГА МУНОСИБ ЙИГИТ

**▼ Ибрат**

Янгилик бир зумда бутун қишлоққа тарқалди. Оиланинг хурсандчилигига қўни-қўшнилар шерик бўлишди. Туман мудофаа ишлари бўлими, жамоатчилик вакиллари табриклагани келишди. Хонадон соҳиби Суюн Набиев ишлайдиган "Мубораkнефтгаз" унитар шўъба корхонаси жамоаси ҳам эзгу ишдан четда қолмади.

— Ҳозир муддатли ҳарбий хизматга йигитларнинг сараси танлаб олинаяпти, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Мунаввар Эгамназаров. — Шундай шароитда сафдошларига намуна бўлиш, қўмондонликнинг назарига тушиш учун чинакамига ғайрат, шижоат, матонат керак. Биз бундай сиёсий етук, жисмоний бақувват, билимдон йигитларимиз билан фахрлансак арзийди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


UCelldan Muloqot bayrami!

Atigi 20 sent!?

UCellning Prepaid abonentlari uchun
**"Yakshanba bonusi"** xizmati

Hafta davomida bemalol so'zlashing va yakshanba kuni UCelldagi do'stlaringiz bilan so'zlashish uchun qo'shimcha daqiqalarga ega bo'ling.
Ko'proq so'zlashganingiz sari yakshanbada so'zlashish uchun bepul daqiqalar ham ortib boradi.

Xizmatga ulanish uchun **"1"** ni USSD so'rov orqali **1112** raqamiga yuboring **(*1112*1#** ) va hafta davomida – dushanbadan shanbagacha bemalol so'zlashing, barcha so'zlashgan "pullik" daqiqalaringiz sizga yakshanbada so'zlashish uchun tarmoq ichidagi bepul daqiqalar sifatida taqdim etiladi.

**Xizmat narxi haftasiga $0.20.**

Bonus daqiqalarining amal qilish muddati: yakshanba kuni soat 00:00 dan 23:59 gacha. Mazkur muddat tugagandan so'ng foydalanilmagan daqiqalar bekor qilinadi.

u cell
Yanada Ko'prog'ini Kuting

Aksiya 22.02.2009 gacha davom etadi.
Xizmatlar litsenziyaga ega (AA №0002348, O'zAAA tomonidan berilgan) va O'zbekiston Respublikasi hududida "COSCOM" MChJ XK tomonidan taqdim etiladi.
Batafsil ma'lumotlarni sotuv joylaridan hamda www.ucell.uz saytida olishingiz mumkin.
Narxlar QQS bilan ko'rsatilgan. To'lov O'zR MB to'lov kunidagi kursi bo'yicha so'mda amalga oshiriladi.

1814R/248



**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**
**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 5 июлдаги 20-0708/4021-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган, «Шофиркон пилла» ЁАЖ кредиторлар қўмитасининг 2008 йил 3 декабрдаги 10/6-сонли йиғилиши қарори ҳамда «Шофиркон пилла» ЁАЖ тугатиш бошқарувчисининг 2008 йил 3 декабрдаги 75-сонли хатига асосан, Шофиркон тумани, С. Амонова кўчаси, 5-уйда жойлашган «Шофиркон пилла» ЁАЖга қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.**

**Бошланғич баҳоси — 298 781 730 сўм.**

Аукцион савдолари 2008 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги очиқ аукцион савдосига чиқарилган мол-мулклар мажмуаси қуйидаги шартлар асосида сотилади:

- асосий фаолият, яъни пиллани қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этган ҳолда фаолиятни сақлаб қолиш;
- мулкий мажмуадаги мол-мулкларни талон-торож қилинмасдан, аксинча, реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, замон талабларига мос равишда ривожлантириш;
- мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;
- корхонани технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш;
- сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддатда амалга ошириш.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Бухоро вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000900571452052, АТИБ «Ипотекабанк»и «Сардор» филиали, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй.**
**Телефонлар: (8-365) 223-71-30, 223-71-36.**
**www.rkmb.uz.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

**Савдоларга марҳамат!**

1841R/1822



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 00.20 8